

МАЖУСИЙЛИК ЭЪТИҚОДИ ҲАҚИДА ИМОМ МОТУРИДИЙ ТАФСИРИДА
КЕЛТИРГАН МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Содиқов Жўрабек Собирбоевич

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Ислом тарихи ва манбаишунослиги IRCICA”

кафедраси ўқитувчиси, исломшунослик фанлари PhD

Мажусийлик – дуалистик диний таълимот бўлиб, унга кўра олам икки асос: нур ва зулматдан иборат деб эътиқод қилинади. Мажусийлар нурни азалий, зулматни кейин пайдо бўлган деб ҳисоблашади. Нур эзгулик ва зулмат ёвузлик тимсолидир. Ахурамазда эзгулик худоси ва Ахриман ёвузлик худоси деган таълимот ҳам шу асосда шаклланган. Бу икки куч доимий кураш олиб боради ва охир-оқибат эзгулик ғалаба қозонади ҳамда бутун Дунё абадий саодатга эришади. “Авесто” зардуштийлик, яъни мажусийликнинг муқаддас китоби ҳисобланади¹⁰.

Бу дин Қуръон нозил бўлган пайтда форс дунёсида кенг тарқалган эътиқод бўлиб, уни Мотуридий тафсирида жами 24 ўринда учратиш мумкин¹¹. Бу диний таълимот замонавий диншуносликда асосан зардуштийлик ва оташпарастлик номлари билан аталади.

Тафсирда илк бор “Бақара” сураси 96-оят тафсирида мажусийлик ҳақида сўз юритилган. Мазкур ўринда уларнинг мушриклардан эканлиги ҳамда қайта тирилиш ва қиёматга имон келтирмасликлари айтиб ўтилган¹².

“Бақара” 256-оят тафсирида эса Мотуридий қуйидагиларни айтади:

“Аллоҳ таолонинг: "...لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ..." (“Динда мажбурлаш йўқ...”) – жумласи ҳақида баъзилар айтишадики: “Бу оят мажусийлар, яҳудийлар ва насронийлардан бўлган аҳли китоблар ҳақида нозил бўлган. Чунки, улардан жияз олинади ва араб мушриклари каби исломга мажбурланмайди. Араб мушриклари эса, исломни қабул қилмасалар қатл қилинадилар”. Бунга Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадис далил қилиб олинган бўлиб, унда Набий (с.а.в.) Мунзир ибн Фулонга шундай шундай мактуб ёзган эканлар: “Арабларга келсак, улардан исломдан бошқа нарсани қабул қилма. Акс ҳолда қилич ишлат. Аҳли китоб ва мажусийлардан бўлса жияз олавер”. Бу ҳақда Китоб (Қуръон)да ҳам айtilган: "تَقَاتِلُوهُمْ أَوْ يُسَلِّمُوا" (“(Ўшанда ё) улар билан урушарсиз ёки улар (жангсиз) Исломга кирурлар” (Фатҳ: 16))”¹³.

¹⁰ Батафсил маълумот учун қаранг: Шаҳристоний. ал-Милал ва-н-ниҳал. – Ж. I. – Б. 197-203; Мониъ ибн Ҳаммод Жўҳаний. ал-Мавсуа ал-муяссара. – Ар-Риёд: Дор ан-надва, 1997. – Ж. II. – Б. 1149-1151; Фозила Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 26-27; Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 12-47.

¹¹ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. XVIII. – Б. 239.

¹² Ўша манба. – Ж. I. – Б. 183.

¹³ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. II. – Б. 159.



Юқоридагилардан кўриш мумкинки, мажусийлар аҳли ширк ҳисобланишларига қарамай уларга араб мушрикларидан фарқли муносабатда бўлинган. Бунга эса юқоридаги ҳадис далил сифатида хизмат қилган. Балки, шу сабабдир, уларни аҳли китоблардан деб ҳисобловчи тоифалар ҳам пайдо бўлган. Мотуридий бундай тоифаларга “Моида” сураси 5-оят тафсирида қарши чиқади:

“Мажусийларни биз аҳли китоблардан деб билмаймиз. Бунга Аллоҳ таолонинг куйидаги сўзлари далилдир:

“Мана бу Биз нозил қилган муборак Китоб (Қуръон)дир, унга эргашингиз ва тақволи бўлингиз, токи раҳм қилингайсиз. “Биздан олдинги икки тоифага китоб нозил қилинган эди”, – дейишингиз...”¹⁴ (Анъом: 155-156).

Бу билан Аллоҳ таоло аҳли китоблар икки тоифадан иборатлигини айтмоқда. Шу боис уларни уч гуруҳга бўлиш жоиз эмас. Бу Қуръон далолат қилган нарсага зиддир...

Мажусийлар аҳли китоб эмасликларига яна бир далил шуки: Умар ибн Хаттоб (р.а.) Набий (с.а.в.)нинг қабрлари ва минбар орасида ўтирганларида дедилар: “Мен мажусийлар борасида нима қилишни билмаяпман. Ахир улар аҳли китоб эмаслар-ку?” Шунда Абдурроҳман ибн Авф (р.а.) айтдилар: “Мен Росулulloҳ (с.а.в.)нинг: “Мажусийлар борасида аҳли китобларга бўлгани каби йўл тутинглар”, – деганларини эшитганман”. Умар (р.а.) уларнинг аҳли китобдан эмасликлари ҳақида очик гапирган ва Абдурроҳман ибн Авф (р.а.) ҳам, бошқа бирор саҳоба ҳам у кишига эътироз билдирмаган...”¹⁵.

Бугунги кунда ҳам баъзи тадқиқотчилар зардуштийликни, яъни мажусийликни самовий дин, Зардуштни пайғамбар ва “Авесто”ни илоҳий китоб, деган фаразни илгари сурадилар. Кейинчалик бу эътиқод ва унинг муқаддас китоби ўзгаришларга учраганини айтадилар¹⁶. “Таъвилот аҳли-с-сунна”да келтирилган далиллар бундай қарашнинг асосиз эканини кўрсатади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
2. Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бақр Тўпал ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2005. – Ж. I. – 464 б.
3. Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бақр Тўпал ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2006. – Ж. VIII. – 431 б.

¹⁴ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Абдулазиз Мансур. – Б. 149.

¹⁵ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. – Ж. IV. – Б. 161-162.

¹⁶ Қаранг: Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 20, 47.



4. Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi’s “Ta’wilat Ahli-s-Sunnah”. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1064-1067. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi:

<https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>

5. Мотуридий. Китобу-т-тавҳид / Бакр Тўпал ўғли ва Муҳаммад Аручи таҳрири остида. – Байрут: Дор ас-садр, – Истанбул: Иршод, 2011. – 538 б.

6. Самийъ Дугайм. Мавсуа мусталаҳот илм ал-калом ал-исломий. – Байрут: Мактаба Лубнан наширун, 1998. – Ж. II. – 772 б.

7. Sodikov, J. S. (2022). Factors of application of intellectual evidence in the tafsir of Abu Mansur Moturidi “Ta'wilat ahl as-sunnah”. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (108), 524-527. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-108-58> Doi:

<https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.04.108.58>

